

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 217 (10.270)

2004 ЙИЛ 8 НОЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

КУСҚА

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги «Йулдош» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилган тадбир бўлиб ўтаётган икки палатали парламента сайловларга тайёргарлик масаласига бағишланди.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Бешқайрағоч» маҳалласида диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши кураш масаласига бағишлаб маҳаллалар фаоллари, имом хатиблар, ички ишлар идоралари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар ҳамда Акмал Икромов туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БОБУР** номидаги маданият ва истироҳат боғида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Кубоги учун минифутбол бўйича касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида мусобақалар уюштирилди.

● **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида «Ёшлар ва парламент» мавзусида ўтказилган тадбирда ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирок этишди.

● **ЭРТАГА** Миллий матбуот марказида янги «Лаззат» пазандлик журнаlining тақдирот маросими бўлиб ўтди.

● **ЖАҲОН** иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро муносабатлар факультети биринчи босқич талабалари иштирокида «Ўйғониш даври маънавияти», «Миллий қадриятлар» мавзуларида уюштирилган очик мулоқотда «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улугбек туман бўлими вакиллари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз

СУРАТДА: «Хамкор-текстиль» ишлаб чиқариш корхонасининг илғор ишчиси Муножот Бекматова иш устида.

Ҳакимжон
Солиҳов
олган сурат.



СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА САЙЛОВЛАР

Мамлакатимизда демократияни ривожлантиришнинг асосий масалаларидан бири - ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида олий қонунчилик органи фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини фаоллаштиришдир. Самарқандда ўтган «Сиёсий партиялар ва сайловлар: жаҳон таърибига ва Ўзбекистон қонунчилиги» мавзусидаги халқаро учрашув даври суҳбати ана шу масалалар таҳлилига бағишланди. Уни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ташкил этди. Учрашувда халқаро ташкилотлар ва жамғармалар экспертлари, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Россия, Украина, Япониядан дипломатлар ва сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари етакчилари ва фаоллари қатнашдилар.

Мутлақо янги асосда ташкил этилган бўлғуси сайловлар мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилётган парламент ислохотининг мантикий давомидир, деди Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев. Унинг муваффақиятли амалга оширилиши тегишли қонунчиликка асосланган.

Ҳар қандай демократик тизимнинг энг муҳим бўғинлари ҳисобланган сиёсий партиялар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси илғор халқаро таърибани инобатга олган ҳолда шакллантирилди.

Жумладан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун кўппартияли тизим тўғрисида-

ги конституциявий қоидаларни амалга ошириш механизмларини белгилаб берди. Бу йил қабул қилинган сиёсий партияларни молиялаш тўғрисидаги қонун эса уларнинг ҳисоб рақамларига тушаётган маблағлардан қонуний ва мақсадли фойдаланиш учун қаролар яратди. Таъкидлаш жоизки, партиялар фаолиятининг молиявий жиҳатини бундай ҳуқуқий тартибга солиш тизими ҳамма ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд эмас. Ҳақиқий демократиянинг ўзига хос жиҳатларидан бири сайлов кампанияси давомида сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратишдир.

Давоми 2-бетда.

ХУИ саҳоси

Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** РУС МАДАНИЯТ МАРКАЗИНИНГ ҲАМ ИЙЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ. Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида ўтказилган ушбу тантаналарда Ўзбекистон ва Россия ўртасида ҳар томонлама, жумладан маданият соҳасида ҳам алоқалар тобора ривожланиб бораётганини таъкидланди.

● **Ўзбекистон Республикаси** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказида Президент стипендиатларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **Грециянинг** Крит оролида тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида кўчалар бутунлай сув билан қопланди, маҳаллий аэропорт фаолияти номаълум муддатгача тўхтатилди.

● **Ўзбекистон «Фидокорлар»** миллий демократик партиясининг II қурултойи ўтказилди. Унда ўтган вақт ичида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди, партиянинг сайловолди дастури тасдиқланди.

● **Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг** IV қурултойида янги тахирдаги Устав лойиҳаси муҳокама этилди, партиянинг сайловолди платформаси тасдиқланди.

● **Чирчик шаҳрида** 150 ўринли Меҳрибонлик уйи қуриб битказилди. Уни бунёд этишда шаҳарда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар катта кўмак берди.

● **«ИСТ-Телеком»** Ўзбекистон-Британия-Россия қўшма корхонасининг Кашқадарёдаги худудий бирлашмаси ўз фаолиятини бошлади.



Жаҳонда

● **Кеча** Россияда келишув ва ярашув кунни нишонланди.

● **Перуда** йирик автомобиль ҳалокати юз берди. Йўловчи ташувчи автобуснинг жарга кулаб тушиши натижасида 17 киши ҳаётдан кўз юмди, 36 йўловчи эса турли даражадаги тан жароҳатлари олди.

● **Philips Miravision** телевизори маиший электроника соҳасида кейинги пайтдаги энг яхши ихтиролардан бири сифатида эътироф этилди. Масалан, учирса кўзгу вазифини бажарувчи ушбу телевизорни бемалол деворга илиб қўйиш, компьютерга уланса ундан мониторинг сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.

ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ

Кунни кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Рус маданият марказининг 10 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб туриб бир донишманднинг «Дўстлик — муқаддасдир», - деган сўзлари ҳаёлимиздан ўтди.

Давлатимиз кўп миллатли. Юртимизда ашаётган барча миллатлар ўртасида азал-азалдан ўзаро ҳурмат, мустақкам дўстлик ва ҳамжиҳатлик қарор топган. Уларнинг маданияти, тили, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш масалаларига давлатимиз томонидан улкан эътибор қаратиб келинаётир. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг тарраққиёт даражаси, халқаро майдондаги обрў-эътибори ундаги тинчлик, оқсоишатилик ва фуқаролараро тотувчиликнинг нечоғлик мустақкамлиги билан белгиланади. Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида Ўзбекистон Республикаси Рус маданият маркази

ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда юқоридаги фикрлар яна бир бор таъкидланди.

Шубҳасизки, Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик, жумладан, маданият соҳасида ҳам алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Хар иккала мамлакат ўртасида дўстлик ришталарининг мустақкамланишида Ўзбекистондаги Рус маданият марказининг ҳам ўзига хос ўрни борлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. У Россия билан дўстлик, ҳар томонлама муваффақиятли ривожланаётган ўзаро манфаатли ҳамкор-



лик йўлида ўзига хос кўприк вазифини ўтаб келмоқда. Бугунги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-инок яшамоқда. Ишончимиз қомилки, бундан кейин ҳам озода ва эркин республикаимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг дўстлиги ва ўзаро алоқалари тобора мустақкамланиб бораверди.

26

декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов кун

Сайловлар
ва биз



НОМЗОДЛАРНИ КЎРСАТИШ — МУҲИМ БОСҚИЧ

Тенглар ичра тенг бўлишга, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан юқсалишга интилаётган мустақил Ўзбекистонимизда бугунги ўтаётган ҳар бир куннинг қадри жуда балид. Мамлакатимиз жиддий ва масъулиятли синов — эркин фуқаролик жамияти, демократия томон ташланадиган муҳим қадам олдиди турибди. Шу йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.

Ҳаётимизда катта ўзгаришлар юзага келишига сабабчи бўладиган ушбу муҳим жараёнга республикаимизда бугун катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг қарори билан Тошкент шаҳри бўйича ҳар бирини 20,9 минг сайловчи ҳисобидан 60 та сайлов округлари ташкил этилди. Шундан келиб чиққан ҳолда раис, раис ўринбосари, котиб ва 8 нафар аъзодан иборат 60 та округ сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланди. Аини пайтда округ сайлов комиссиялари жойларда сайлов участкаларини ташкил этиш (шаҳарда 664 та сайлов участкалари бўлади), ўзини ўзи бошқариш органларидан номзодларни курсатишга доир ҳужжатларни қабул қилиш, сайловчилар билан учрашувларни ташкил этиш каби вазифаларни амалга оширмоқдалар. Бу ҳақда кун кеча Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси ва матбуот маркази томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Анжуманда иштирок этган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгашлари раҳбарлари аини пайтдаги сайловолди босқичи — депутатликка номзодларни курсатиш жараёнида нималарга эътибор қаратилаётгани, ҳаракат дастурида олдинга сураётган мақсад-вазифалари ҳақида ахборот бердилар.

Хусусан, мулоқот чоғида шу нарсалар мълум бўлдики «Миллий тикланиш» демократик

партияси ўз дастурида, номзодларни танлашда эл-юрт манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш зарурлиги қатъиям билан қўйилган, «Адолат» социал-демократик партияси



яси эса сайловолди кампаниясида кўпроқ жамиятда ҳар қандай масалалар ўзаро тенг, адолатли ҳал этилиши йўлида собит тура оладиган номзодлар танланганини таъкидлаган бўлса, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси жамиятимизнинг ишбилармон, тadbirkor, иқтисодиётимизни кўтаришга қодир бўлган, билимдон қатламни кўлаб-қувватлаши, «Фидокорлар» миллий демократик партияси эса юрт фидойиларига таянаётгани ва курсатилётган номзодларнинг 40 фоизидан зиёдини аёллар ташкил қилиши, Халқ демократик партияси — ўз сайловолди платформасида аҳолига тиббий ва коммунал хиз-

мат қўрсатиш, халқ таълими ва экология муаммолари ҳам ўрин олгани ва шуларни назарда тутган ҳолда муаммо ва камчиликларни ечишга қодир бўлган сафдошларни курсатганлари ҳақида журналистларга батафсил ахборот бердилар.

Маълумки, 1994 йилги Олий Мажлисга сайловларда 634 нафар депутатликка номзодлардан 52 нафари хотин-қизлар эди. Улардан атиги 15 нафарига депутат бўлиб сайланди. 1999 йилги Олий Мажлис сайловларида 1242 нафар номзодлардан 171 нафари аёллар бўлиб, 18 нафари депутатлик ғувоҳномасини олган эди. Ўтган беш йил ичида депутат аёлларимиз фаол ишлаган бўлсаларда сийosat майдонидида уларнинг сафларининг озлиги сезилиб қолди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси»га сайловлар тўғрисидаги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг тегишли моддаларига мувофиқ хотин-қизлар сони сийosий партиялардан курсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши лозим. Анжуманда сийosий партияларнинг ахборотида кўра «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан курсатилган номзодлар орасида аёллар 55 фоизни, «Фидокорлар» миллий демократик партиясидан — 40 фоизни, «Адолат» социал-демократик партияси томонидан илгари сурилган номзод аёллар эса 35 фоизни ташкил этмоқда.

Матбуот анжуманида шунингдек, сайлов кампанияси даврида сийosий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, бу борада партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурларида давлатнинг суверенитети, фуқароларнинг конституцийвий ҳуқуқлари ва эркинликларини қамситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги лозимлигига алоҳида урғу берилди. Ўз навбатида барча оммавий ахборот воситалари ҳам сайлов иштирокичиларга ўз ҳаракат дастурларини намоён этишида тенг шарт-шароит ва имкониятлар яратиши кераклиги айтиб ўтилди.

ШОИРА МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: матбуот анжуманидан лавҳалар.

ҲАКИМЖОН СОЛИХОВ
олган суратлар.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА САЙЛОВЛАР

Давоми. Боши 1-бетда.

Бугун Ўзбекистонда бешта сийosий партия фаолият олиб бормоқда. Булар — Халқ демократик партияси, «Адолат» социал демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси. Уларга Марказий сайлов комиссиясидан сайловда иштирок этиш учун рухсат берилди. Яқин кунларда сайлов кампаниясининг ҳал қилувчи босқичи бошланади ва депутатликка номзодлар сайловчилар овози учун курашга киришади.

Бу галги учрашув сайловларга тайёргарлик жараёнида катта аҳамиятга эга, деди ЕХТнинг Тошкентдаги маркази раҳбари вазифасини бажарувчи Пэр Нурмарк. Декабр охирида Ўзбекистонга ЕХТ кузатувчиларининг чекланган миссияси жўнатилади. Мамлакатда демократик, очик,

транспарент сайловларни ташкил этиш юзасидан давлат томонидан олдинга мажбурийлар режа асосида бажарилмоқда.

Шунга мувофиқ сайлов қонунчилиги такомиллаштирилди, унга халқаро стандартлар талабига мос ижобий ўзгаришлар киритилди. Бу ўзгаришлар хусусан сийosий партиялар фаолияти ва уларни молиялаш масалаларига тегишлидир. Гендер тенглигига эришиш учун партиялар томонидан депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Демократияни мустаҳкамлашда сийosий партияларнинг ўрни ва аҳамияти катта, деб таъкидлади АҚШ Миллий демократик институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Ричард Глауб. Улар сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилади, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ислохотларни амалга оширишда ҳукуматга ёрдам беради. Фикрлар хилма-хиллиги сийosий партияларга дастурларининг турлича эканлигига қарамай, бир қарорга келиш

ва шу тарика фуқаролик ҳокимияти механизми самарадорлиги ва сийosий мутаносиблигини таъминлаш имконини беради. Ўз навбатида, бу партияларга жамият олдидида катта масъулият юқлайди. Ўзбекистонда ҳокимиятнинг янада демократлаштириш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда. Бу сайловларга тайёргарлик очилиқ, транспарентлик руҳида бораётганида ҳам ўз ифодасини топтоқда.

Жаҳонда сайлов кампаниясини ташкил этишнинг катта тажрибаси маъжуд, ammo ҳамма мамлакатлар учун ягона парламент тизими йўқ, деди Ж.Хопкинс университети (Вашингтон) Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Фредерик Старр. Вақт ўтган сари сайлов соҳасидаги халқаро стандартлар ҳам ўзгариб боради. Шу боис ҳар қайси жамият, шу жумладан Ўзбекистон ҳам, ўз манфаатлари ва аъзаларига мос келадиган парламент ва сайлов тизимини шакллантиради. Ўзбекистонда шаклланаёт-

ган демократиянинг истиқболи порлоқ. Бу ерда шаклланган сийosий тизим барқарорлик ва фуқаролар бирдамлиги манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистонда демократик ислохотлар давлатининг раҳбари томонидан бошланган ва уни халқ кўлаб-қувватлайди, деди МДХ Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари — ижрочи котиби Валерий Кириченко. Шу сабабли Ўзбекистоннинг келажаги ёрқин, бунинг Президент Ислам Каримовнинг пухта ўйланган, демократияни ривожлантиришга қаратилган сийosий қафоллатлиди. Ўзбекистон — кучли давлатчилик тарихига эга қадимий мамлакат. Айна шу аъзаларга, муайян шароит ва жамият эҳтиёжларига суяниш лозим. Бугунги кунда Ўзбекистондаги барча сийosий партияларнинг умумий мақсади — демократияни янада мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, кучли иқтисодиётни шакллантиришдир.

Давра суҳбати қизгин муноза-ра ва мулоқот руҳида ўтди.

А.ИВАНОВА,
А.КАШИЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Оламга
ниҳа ган?

Жаҳон ва маҳаллий
ахборот воситалари
хабарларидан

• Нидерландияда ташқи ишлар вазири Россия ва ЕИ 11 ноябрда Гаагада бўлиб ўтиши мўлжалланган икки томонлама саммитга қадар стратегик ҳамкорлик тўғрисида янги келишувга эришиши кутилаётганини маълум қилди. Саммитда Россия Президенти Владимир Путин ҳам қатнашади. Ҳамкорликнинг янги қирраси тўрт йўналиш — иқтисодиёт, ташқи ҳавфсизлик, ички барқарорлик, маданият ва таълим соҳаларида олиб борилади.

• Яқинда «Ал-Қоида» етакчиси Усама бин Ладиннинг АҚШга қарши террор ҳуружлари уюштирилиши мумкинлиги ҳақидаги таҳдидли мурожаати баён этилган видео ёзув тарқатилди. «Биринчи рақамли террорчининг бу баёноти жиддий хавотирга асос бўлмомайди. АҚШда сайлов бўлиб ўтаётган кунни мамлакатда терактлар содир этилиши тўғрисида аниқ маълумот йўқ», деди АҚШ ички ҳавфсизлик бошқармаси бошлиғи Том Риж. Сайловолди чиқишларида терроризмга қарши курашни бош мавзу қилиб олган Жорж Буш бу ҳақда шундай деди: «Террорчилар билан ўз уйимизда юзма-юз келмаслик учун биз бутун дунё бўйлаб уларга қарши ҳужум қилмоқдамиз».

• Франция пойтахти Париждаги госпиталга оғир ахволда келтирилган Фаластин мухторияти бошлиғи Ёсир Арофатнинг соғлиги аини дамда анча тузуқ. Франциялик мутахассислар Ёсир Арофатнинг саратон касаллиги билан оғирмаганлигини маълум қилишган. Аини дамда Фаластин етакчиси заҳарланган, дея гумон қилинмоқда.

• Сицилия ҳудудий ҳукумати раҳбари Сальваторе Куффора мафияга алоқадорликда айбланмоқда. Суд маҳкамаси вакилининг сўзларига қараганда, суд жараёнларини бошлашга етарлича асослар бор ва бу ҳақда бир қарорга келинган. Ўз навбатида С.Куффора барча айбларни рад этди. Мухолифатчилар эса уни истеъфо беришга чакирди.

• Приморий ўлкасида 163 гектар майдондаги ўрмон ёнмоқда. Бу ҳақда маҳаллий ҳукумат вакили хабар берди. Манбада таъкидланишича, ҳозирда ёнган аҳоли пунктларига ҳамда ишлаб чиқариш объектларига хавф туғдираётгани йўқ. Мутахассисларнинг тушунтиришича, об-ҳавонинг қулай келиши ҳам ёмғирларнинг қамийишга сабаб бўлмоқда.

• Франциялик археологлар Мисрда олти қадимий қабрдан мўмийланган жасадлар топишди. Қабрлар мамлакат жанубида жойлашган. Мисрда чоп этиладиган «Ахбор» газетасининг хабар беришича, мазкур топилма археология фанини янги маълумотлар билан бойитади.

Мамбаа

«РАШАХОТ-НИНГ»
ИККИНЧИ
НАШРИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Бериуний номидаги шарқшунослик институтида Хожа Ахрор Валий таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб Фахриддин Али Сафийнинг «Рашахот айнул ҳаёт» деб номланган китобининг иккинчи тўлдирилган нашри босмадан чиқарилди.

Ушбу китоб шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди мудири Махмуд Хасаний ҳамда илмий ходим Бахриддин Умурзоқовлар томонидан нашрга тайёрланди. Рисолада буюк аллома Хожа Ахрор Валийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, китобдан Марказий Осиёда яшаб ижод этган 200 дан ортиқ машоҳирларнинг таржимаи ҳолилари ўрин олган. Китоб ўтмишда форс тилидан араб, турк ва ўзбек тилларига таржима қилинган. XIX асрда эса хоразмлик мулла Худойберган деган одам ушбу китобни ўзбек тилига таржима қилган. Китобнинг биринчи нашри 2003 йилда босмадан чиқарилган.

Санъат

ЯНГИ ФИЛЬМ

«Ўзбектефильм» студиясида яқинда спорт турларидан бирига бағишланган янги фильм суратга олинди.


Ушбу қисқа метражли бадиий фильм «Ланка ўйини» деб номланди. Фильм сценарийси Ғайрат Раҳматуллаев қаламига мансубдир. Режиссёр Эргаш Нормуродов, оператор Рустам Ҳакимов, овоз оператори Ҳамид Тошхўжаев, режиссёр ёрдамчиси Арслон Обидовлар томонидан суратга олинган мазкур фильм ўзбек миллий спорт турларидан ланка ўйинига бағишланган. Фильмдаги бош ролларни Р.Солиҳов, М.Нурматов, А.Ғафуров, Д.Раҳматов, С.Қодиров ҳамда мактаб ўқувчилари маҳорат билан ижро этишган. Фильмни суратга олишда Акмал Икромов туман ҳамда Собир Раҳимов туман «Махалла» жамғармалари раислари Раҳим Нодиров ва Саидахмад Обидовлар катта ёрдам беришди. Юмористик тарзда ишланган ушбу фильмда ланка ўйинининг аҳамияти ҳақида сўз болади.

САНЪАТИМ
ЖИЛОЛАРИ

«Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармаси томонидан Мехр ва мурувват йилга бағишлаб шахримиздаги Чустий номли 278-мактабда хайрия тadbири ўтказилди.

Тадбирда жамғарма қошидаги «Муножот» рақс дастаси ҳамда «Мерос» фольклор гуруҳи халқимизнинг гўзал кўшик ва рақслари, миллий маросим, томошаларидан иборат концерт дастурини намойиш этдилар. Ўзига хос дастур асосида тузилган «Санъатим жилolari» деб номланган тadbирга шахримиздаги 1-Муруват уйи тарбияланувчилари ҳам таширф буюришди. Ушбу дастурнинг бойитилган ҳолда АКШнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро танловда ҳам намойиш этилиши режалаштирилган.

Дилором ИКРОМОВА



Қумуш қишдан, зумрад баҳордан
Қолишмайди қузнинг зийнати.

Ёшлар — келажакимиз

ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ҚИЗ

Аёлни эъзозлаш, унга юксак эҳтиромлар кўрсатиш шарққа хос хусусиятлардан биридир. Ана шундай муҳида аёлларимиз орасидан Тўмарис, Бибихоним, Зебунисо, Нодира, Анбар отин, Увайсий сингари ёрқин сиймолар етишиб чиқди, уларнинг порлоқ сиймолари ҳамон ёруғ нур сочиб турибди. Бугунги кунда хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг бахту-саодатини сарбаланд қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Зулфияхоним кўрик-танловини ўтказишдан мақсад ҳам, иқтидорли, истеъдодли қизларни саралаб олишдир. Зеро, Зулфияхоним ўз умри давомида зоҳирий ва ботиний гўзаллиги, идрокки, истеъдоди, ўлмас шеърлари билан ўчмас из қолдирган.

Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейининг 10-синф ўқувчиси Нилуфар Маннопова ҳозирда мазкур ўқув масканида санъатшунослик йўналиши бўйича таҳсил олмақда. У тасвирий санъат дарсларини жону дилидан севади. Рангтаъсир ва қаламтаъсир усулларини яхши ўзлаштирган. Ранг хусусиятларини, ранг танлаш, образ маъносини очишни яхши билади. Яқинда Чилонзор туманида ўтказилган «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг туман босқичида қатнашиб, зафар қўчди ва танловнинг шахар босқичига йўлланма олди.

— Нилуфар изланувчан ва интилувчан қиз. У ўзига хос мавзулар танлайди. Она, Ватан, сеvimли диёр манзаралари, болалик таассуротлари унинг сеvimли мавзуларидир. Ҳар бир расмини тасвирий санъатнинг нозик сирларини ҳис этиб яратди. Асарларида ранг ёрқинлиги ва мутаносиблиги ҳамда композициясининг ечимини чиройли топа олади, — дейди Нафис санъат лицейининг тасвирий санъат ўқитувчиси Абдурахмон Нурқобилов. — Баъзи ишларида эса мавзунинг тугалланмаганлиги сезилади, ишонаманки у келгусида камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, катта санъат асарлари ярат оладиган иқтидорга эга, — дея қўшиб қўйди устози.

Дарҳақиқат Нилуфар Маннопова гўзал асарлар ярат оладиган нозик дидли, эс-



Тошкентда Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси салоҳиятини мустаҳкамлаш лойиҳаси доирасида хорижий экспертлар иштирокида семинар-тренинг иш бошланди.

РАҚОБАТ —
ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат бозорнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Бугунги кунда Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси мамакатимизда рақобат сиёсатини такомиллаштириш борасида қўпгина амалий ишларни олиб бормоқда. Бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик яхши самара берапти. Ўтган йили Осиё тараққиёт банки соҳани ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида қўмитага техник грант ажратганди. Ушбу лойиҳа рақобатни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий базасини мустаҳкамлаш, ҳусусий ва шакли ўзгартирилган корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш сингари масалаларга кўмаклашишни ўз ичига олади.

Лойиҳа доирасида ўтказилган семинар-тренинг соҳа мутахассисларини рақобат сиёсатининг бугунги аҳволи, жаҳон таърибасининг ютуқ ва муаммоларини таҳлил қилиш учун бир жойга жамлади. Машғулотлар АКШнинг Адлия ва савдо департаменти мутахассислари, халқаро экспертлар томонидан олиб борилди.

— Айни пайтда Ўзбекистонда рақобатни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўламини кенг эканлигини эътироф этиш лозим, — деди тadbир иштирокчиси, халқаро эксперт Гарри Келли. — Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликда бошланган лойиҳа ҳам ана шу йўлдаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Лойиҳа Монополиядан чиқариш ва рақо-

батни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини янги босқичга кўтаришга қаратилган. Лойиҳа йўналишларидан бири бу рақобатнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва бу борадаги қонунлар ижроси юзасидан қўмита назоратини қучайтиришга қаратилган. Иккинчи йўналиш истеъмолчилар ҳуқуқлари бўйича мутахассисларнинг малакасини оширишдан иборат. Ҳозирда мазкур йўналишлар ҳаёта татбиқ этилмоқда.

Семинарда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу семинар-тренинг мамлакатимизда рақобат муҳитини янада ривожлантиришга амалий кўмак беради.

Алоудин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс»

ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси томонидан яратилган илмий-маърифий электрон ахборот ресурслари ҳамда кутубхонада бўлиш мумкин бўлган дунёнинг етакчи компаниялари маълумотлар базаси тақдими бўлиб ўтди.

Жаҳон ахборот ҳудудига интеграциянинг муҳим ютуқларидан бири республикада миллий ахборот ресурсларининг шакллантирилишидир. Ўзбекистон миллий кутубхонаси томонидан электрон «Туркистон тўплами»нинг яратилиши нафақат мамлакатимиз илмий ҳаёти, балки умуман жаҳон маданиятида сезиларли воқеа ҳисобланади. «Туркистон тўплами» қарийб 600 жылдан иборат бўлиб, XIX аср ўрталаридан бошлаб минтақамиздаги фан, таълим, маданият соҳалари ҳақида ноёб маълумотларга эга.

Кутубхонанинг Олий аттестация комиссияси билан яқин ҳамкорлиги эса сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳимоя қилинган диссертацияларнинг авторефератлари рақамли тўпламини яратиш имконини берди. Маълумотлар базаси халқаро талабларга тўлиқ жавоб беради, ахборотни қайта ишлаш ва излаш учун қулай тизимга эга. ОАКнинг ўзи 1992-2004 йилларда Ўзбекистонда ёқланган диссертациялар аннотацияларининг ноёб маълумотлар базасини тўзди.

Маълумотлар базалари

мунтазам янгиланмоқда. Бу, бир томондан, ОАК экспертлари иши самарадорлигини ошириш имконини беради, иккинчи томондан, бундай базаларнинг ўзи илмий ва амалий аҳамиятга эга муҳим ахборот ресурси ҳисобланади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси Ёшлар ахборот маркази кўмагида ташкил этилган китоблар кўргазмаси ҳам ёш тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

тетик завқ соҳиби бўлган қиз.

2003-2004 йилларда Хиндистоннинг Деҳли шаҳрида анъанавий тарзда ўтказилган Шанкар Халқаро болалар кўрик-танловига ўз асарлари билан қатнашиб, 2 марта қумуш медаль соҳиби бўлгани ҳам қувончли ҳодисадир.

— Мен, — дейди Нилуфар, — келажакда машҳур расм бўлишни орзу қиламан. Ўзимнинг чизган расмларимда она юртимнинг тароватини, гўзаллигини, содда ўзбек халқининг меҳнаткашлиги-ю, меҳмондўстлигини, ақл-идроқини тараннум этишни, диёримизнинг довруғини бутун дунёга ўзим яратган асарлар билан танитишни жудаям истайман.

Биз ҳам Нилуфарга ойдin орзуларинг камол топсин, дея тилак билдирамиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: Нилуфар Маннопова яратган асарлардан намуналар.

Хушхабар

ФЕСТИВАЛЬ
ДАСТУРИГА
КИРИТИЛДИ

«Қор қўйнидаги лола» деб номланган бадиий фильм ўзбек кино санъати усталарининг энг яхши ижод намуналаридан бири деб топилди. Истеъдодли ёш режиссёр Аюб Шаҳобидинов томонидан ишланган бу картина экранларга чиққан дастлабки кунлардаёқ кўплаб томошабинлар эътиборини ўзига тортган эди.

Орадан кўп ўтмай у халқаро доирада ҳам муваффақият қозонди. «Ижодий парвоз» деган шior остида ўтказилган халқаро кинофестивалда эса совринли мукофот билан тақдирланди.

Яна бир хушхабар олинди. Келгуси йили ўтказиладиган навбатдаги халқаро кинофестиваль дастурига ўзбек фильми ҳам киритилди.

Бу сафар у «Энг яхши кино асарлари» рўйхатида акс этган постановка сифатида бундай ҳуқуқни қўлга киритди.

Аббас ЙЎЛДОШЕВ

Сайловлар ва маҳалла

ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ — БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

Собир КОМИЛОВ,
Ахмадjon Назаров номли маҳалла оксоколи:
Бўлажақ парламент хозиргисидан тубдан фарқ қилиб, профессионал характерга эга бўлади. Янги парламент бунд Коммунистлар китритилган ўзгаришларга асосан Сенат ва Қонунчилик палаталаридан иборат бўлади. Демак ҳаётимизга кириб келаётган бу янгилик ўзига хос тайёргарликни тақозо этади. Шу боис бўлажақ сайловлар тобора яқинлашган экан, барча қатори биз ҳам маҳалламиз аҳли ўртасида бу кампанияга тарғибот-ташвиқот ишларини кун сайин авж олдириб боришимиз.

Маҳалламизда 650 та оила бўлиб, уларда 2500 киши истиқомат қилади. Улар ўртасида бир неча бор сайловга бағишланган мавзуларда суҳбатлар ўтказдик. Бу йилги ишларимизга олимлар, олий ўқув юртинларнинг ўқитувчилари, туманинг сайлов ишлари билан боғлиқ мутаассадиларини таклиф этдик. Охириги йилги ишларимизда «Янги парламент — меннинг келажагим» мавзусида суҳбат бўлиб ўтди. Йилги ишларимиз кизгин тус олди. Бунини кўриб чиндан ҳам маҳалламиз аҳли ўртасида бўлажақ сайловларга қизиқиш катта эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Маҳалламиз идорасида сайлов ишлари учун алоҳида хона ажратилган. У ерда ҳар кунги навбатчилик ташкил этилган. Хонага сайловга оид адабиётлар, газеталар, қўлланмалар жамланган. Улардан сайловчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишлари мумкин.

Жаҳонгир АЛИЕВ,
талаба:

— Шунинг хурсандчилиги билан айтманки, мен бу йилги сайловда биринчи марта овоз бераман. Фикримча, жамиятнинг навқирон бўлиши бўлиши ёшларнинг сайловда илк бор овоз бериши жуда катта воқеа. Лекин

бир савол туғилади. Депутат учун, эртанги кун тақдирига дахлдор бўлган инсон учун овоз бераётганда ҳар бир ёш нақадар муҳим жараёнда иштирок этаётганини ҳис этармикан? Улар ўз ҳуқуқ ва бурчларидан тўла хабардормикан? Мана шундай саволларга жавоб топиш учун ёшлар орасида кўпроқ учрашув ва тадбирларни ўтказиб туриш зарур деб ўйлайман. Айниқса, маҳалла ёшлари ўртасида бунга кўпроқ эътибор бериш керак.

Ҳар бир ўтаётган кунимиз бизни сайловлар билан яқинлаштирмоқда. Ушбу жараёнда меннинг тенгқўрларим ҳам қонунга бўлган эътиқодларини, алдоятта бўлган ишончларини яна бир бор синовдан ўтказадилар. Бир сўз билан айтганда, биз ёшларнинг бўлажақ сайловлардан умидимиз катта.

Қобил ИСОКОВ,
муҳандис.

— Очиги, сайлов ҳақида дастлаб гап борганда унга бутунлай бошқача тус берилади, лекин сайлов ўтадиган кунлар бу қонун-қондаларини четлаб ўтиш ҳоллари ҳам бўлади. Масалан, биргина овоз бериш масаласини олайлик. Ҳар бир киши ўзи хоҳлаган номзодига овоз бериши керак. Лекин ҳаммаша ҳам шундай бўлавермайди. Бир оиланинг аъзolari учинчи барча аъзолари учун бир йўла овоз бериш ҳоллари учраб туради. Балки ўша оиланинг бошқа аъзоси бошқа номзод учун овоз беришни хоҳлар. Афсуски, бу фикр билан ҳеч қим қилинмайди. Ўйлаймизки, бу йилги сайловларда бундай номақбул курашларга йўл қўйилмайди. Шундай экан, навбатдаги сайловга тайёргарлик жараёнида тарғибот-ташвиқот ишларини намунали йўлга қўйишимиз керак. Сайловчи кимга, қайси номзодга овоз бераётганини яхши билсин. Бизнинг Фулмоҳаммад Абдуллоев номли маҳаллада ўтаётган йилги ишларда ҳам шунга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Бугунги кунда давлатимиз олдида қўйган муҳим вазифалардан бири босқичма-босқич фуқаролик жамиятга ўтишдир. Шу йўл билан бошқаруви эркинлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришга эришиш кўзда тутилмоқда. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Хусусан, давлатимиз томонидан маҳаллаларга кўрсатилаётган эътибор туфайли улар нуфузининг тобора ортиб бораётганлиги фикримизнинг исботидир.

Тўқнақларда

МУРУВВАТГА
МУҲИМ ЭЪТИБОР

Шаҳримиздаги энг файзли ва катта гўшалардан бири бўлиши ҳамда туманида бўлиб, туман Оксоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Озод Шоумаров билан маҳаллаларда олиб борилаётган юмушлар, «Меҳр ва мурувват» йили дастури ижроси йўлидаги вазифаларнинг қай даражада урдадан аётигани ҳақида суҳбатлашдик.

— Туманда 218500 нафар аҳоли истиқомат қилади. 60005 та хонадон, 67568 та оилалар мавжуд, — дейди Озод Шоумаров. — Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, маҳалла фаоллари бир бутун бўлса, улар фаолиятдаги самарадорлик қўлами янада кенгайишига шубҳа йўқ. Бунинг учун маҳалла қўмитаси теваригида хотин-қизлар комиссияси раиси, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, профилактика инспекторлари ва посбон-сардорлар жипслаган ҳамкорликда фаолият олиб боришлари даркор. Уларнинг ҳар бирининг ўзи иш йўналишини мавжуд бўлсада, лекин пировард мақсадлари ақдид, яъни маҳалла тинчлиги, оқилолшалиги, тоғулигига эришадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча қўра-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бўйича маҳаллаларда диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилиши ҳукуматимиз томонидан маҳаллаларга нисбатан юксак эътиборнинг далолатидир. Фармон ижроси юзасидан тумандаги 50 та маҳаллаларнинг барчасида маҳаллада обрў-эътиборга эга, ташкилотчилик қўбиятларини мавжуд юқори малакали касб эгалари бўлган аёллар ушбу вазифада фаолиятларини бошлашди.

Ҳукуматимиз томонидан берилаётган эътиборга жавобан туман «Маҳалла» жамғармаси ва маҳаллалар томонидан Республикада 2004 йилининг «Меҳр ва мурувват» йили деб номланиши муносабати билан аҳлилик, бағрикенглик, меҳр-оқибат аниқлала-

рини тарғиб қилишга, аҳолининг иқтисодий муҳофазасини кучайтириш ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бир қатор тадбирлар ташкил этилиб, аҳоли ишлар олиб боришмоқда.

Туманда ўтган оилар давомида 83 нафар ёлғиз кексалар, нафақахўр ва ногиронларга 724000 сўмлик, кам таъминланган, боқувчисиз қолган 151 та оилаларга 3.227.000 сўм миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилди.

— Маълумки Меҳр ва мурувват йилида шинам ва ораста маҳалла гузарлари қурилмоқда, эскилар эса таъмирдан чиқарилмоқда. Бу борадаги юмушларга ҳам тўхталсангиз.

— Маҳаллаларнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида «Ўрта-масхид», А.Ясавий, У.Носир, С.Раҳимов, Мукимий, «Дустлик» ва «Мустақиллик» номли маҳаллаларнинг идора ва гузарлари учун янги бинолар ажратилди ва улар хозирги вақтда тўла таъмирланди. Таъмирлаш ишлари учун туман «Маҳалла» жамғармаси томонидан 16 миллион 653 минг сўмлик молиявий маблағ ажратилди.

Хозирги кунда И.Акмалов, Ҳамза, Бобур, Й.Оқунбоев, М.Улуғбек, Чўлпон, «Гулистон», Е.Алиев, Худойбердиев, «Донишманд», «Маърифат» номли маҳаллаларда таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда.

Маҳаллаларга ёрдам бериб келаётган саҳоватли инсонлар ҳам қўйилгани ташкил этади? Шундай эмасми?

— Албатта, яхшилик, эзгулик ишларида камарбаста, саҳоватли инсонлар қўллаб-қувватланади. Шу ўринда А.Назаров номли маҳалла оксоколи Собир Комилов, И.Юнусов номли маҳалла оксоколи Ортиғали Абдуллоев, «Темирйўлқонтейнер» қорхонаси раҳбари Ахат Юсупов, «Янгиобод» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси Муҳаббат Раҳимова, «Ал-Авлод» фирмаси раҳбари Озода Алиева, «Нажот йўли» ногиронлар жамияти раҳбари Бахтиёр Шариповларнинг номини алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламан.

— Фарзандларимизнинг со-

ғлом бўлиб вояга етишларида спортнинг аҳамияти беқиёс эканлигидан қелиб уни ривожлантиришга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Маҳаллаларда-чи?

— «Маҳалла» жамғармаси томонидан туманда спорт майдонларини қуриш ва мусобақаларни ўтказишга катта аҳамият қаратилган. Бунинг учун йил бошидан шу кунга қадар 11 миллион 800 минг сўм маблағ ажратилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими билан доимий ҳамкорликда маҳаллаларда спортнинг турли йўналишлари бўйича мусобақалар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

— Жорий йилининг Меҳр ва мурувват йили деб номланиши юртимизда саҳоватга, меҳр-мурувватга йўғрилган тадбирларнинг қўллаб-қўзғилишига омил бўлмоқда.

— Дарҳақиқат Меҳр ва мурувват йили муносабати билан яқин-ёқин, кам таъминланган, боқувчисиз йўқотган, ногирон оилалар учун 683.250 сўмлик Мустақилликнинг 13 йиллиги муносабати билан 964.000 сўмлик озик-овқат махсусотлари тарқатилди. Туманда истиқомат қилувчи яқин-ёқин қариялар учун туман иқтисодий таъминот бўлимига 275.000 сўм маблағ ўтказилди.

Мустақиллик кунини байрами муносабати билан Бобур маҳалласида яшовчи кам таъминланган Саидова-лар оиласига 162.000 сўмлик телевизор совға қилинди. Туманда жойлашган «SANYIK» ногирон болалар илмий тадқиқот бадийи марказига 50.000 сўм маблағ ажратилди. Тумандаги 50 та маҳаллаларнинг барчасида байрам тадбирлари ташкил этилди. Маҳаллаларда истиқомат қилувчи яқин-ёқин, кам таъминланган, боқувчисиз йўқотган, ногирон фарзандлари бор оилалар учун хомиялар маблағлари ҳисобидан 52570 минг сўм, жамғармалар ҳисобидан 32040 минг сўм ва бошқа манбалар ҳисобидан 663.5 минг сўм маблағ ажратилди.

Маҳалла аҳли аҳил бўлган маҳаллаларда тинчлик, ўзаро ҳурмат, ободончилик ишлари авж олади. Уларнинг фаоллиги маҳаллалардаги тўғри-маросимларнинг ихчам ўтишига, тўғри аниқланганликнинг тикланишига, асл қадриятларнинг қайтарилишига, оилаларнинг мустаҳкамлигига олиб келади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

суҳбатлашди.



Шинам ва равон қўчалар, ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилган маҳалла гузарга, янги таъмирдан чиқарилган 49-милиция таянч пункти, иш

шаҳар ва туман ҳокимлиги, турли қорхона ва ташкилотлар ҳақлиқда мағла ошириб келинмоқда. Бу йил, маҳалла-дудудда кенг қўла-



бошлаш арафасида турган «Маънавият ва маърифат» маркази, озик-овқат дўкони, болалар спорт майдончаси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, барчаси шу масканда истиқомат қилувчи маҳалладошлар хизматиди.

— Худудимизда 11000 аҳоли истиқомат қилади, — дейди биз билан суҳбатда «Оқтепа» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Собит Имомов. — Уларнинг турмуш тарзини яхшилаш, иш билан таъминлаш, ёшларнинг соғлом бўлиб вояга етишлари йўлида иш олиб бораемиз. Меҳр ва мурувват йилида барча хайрли юмушлар элимизнинг саҳоватли, савобталаб инсонлари, шахар ва туман ҳокимлиги, турли қорхона ва ташкилотлар ҳақлиқда мағла ошириб келинмоқда. Бу йил, маҳалла-дудудда кенг қўла-

2004 — Меҳр ва мурувват йили

МУВАФФАҚИЯТЛАР МЕЗОНИ — БИРДАМЛИҚДА

«Отанг маҳалла, онанг маҳалла». Ушбу ибратли нақл бежизга айтилмаган. Каттаю кичикнинг бошини қовуштириб, муаммо ва камчиликларини ечиб, дардида ҳамдард, қувончига шерик бўладиган маскан ҳам маҳалла. Айниқса мустақиллик йилларида ушбу ўзини ўзи бошқариш тизими янада ривож топти, обрў-эътибори, шу билан бирга зиммасидаги масъулияти ҳам ошди. Худуддаги тартиб-интизом, тинчлик оқолишталлини сақлаш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ўз ҳимоясига олиш, ночор, ногирон инсонларни қўллаб-қувватлаш каби хайрли юмушларни ҳам маҳалла маълум маънода ўз зиммасига олди. Хозирги кунда шахримиздаги қай бир маҳаллага борманг ободончилик, бунёдкорлик, эл фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ишларни кўриб кўзингиз қувнайдиган. Биз йўлимиз тушиб Акмал Икромов туманидаги «Оқтепа» маҳалласида бўлганимизда бу ноёб тузилма ҳақида бекорга илқ фикрлар айтилмаётганига ғувоҳ бўлдик.

да қурилиш ишларини олиб бордин. Шу минланган, боқувчисини йўқотган оилаларни моддий қўллаш, ётиб қолган кекса, бетеб инсонларни ҳар ҳафтада йўқлаш, 2 ёшгача бола тарбияси билан машғул бўлган 35 та, 18 ёшгача вояга етмаган фарзандлари бўлган 134 та оиланинг вақтида нафақа билан таъминланишини йўлга қўйганимиз.

Яқинда Президентимиз Фармони билан маҳаллаларда диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар иш бошлади. Бизнинг «Оқтепа» маҳалламизда ушбу вазифага Дилбар Назарова муносиб деб топилди. Хозирда ёшлар орасида таълим-тарбия, қизларни ҳаётга тайёрлаш, касб-ҳунарга жалб қилиш бўйича анча иқобий ишлар амалга оширилди. Биз ёшларга яхшироқ шарт-шароит яратиш мақсадида худудимиздаги Чустий номидagi кулб-хонани яхшилаб таъмирдан чиқариб «Маънавият ва маърифат» марказига айлантириш ҳаракатида юртимиз. Яқинда 49-милиция таянч пунктимизни ҳам таъмирлаб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш бўйича ибратли иш олиб бо-

раётган катта профилактика инспектори, майор Сафарали Уринбоев, профилактика инспектори, катта лейтенант Баҳодир Нурматовларнинг янада яхши фаолият юритишига барча зарур шарт-шароитларни яратиб бердик.

Булардан ташқари ҳар бир байрамда ахил-баҳамжиятликда тадбирлар ўтказиб уруш ва меҳнат факрилари, кекса, ногирон, ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий кўмак бериб келмоқдамиз, кўна ва навқирон Самарқанд ва Бухорога бепул саёхатлар уюштирмоқдамиз. Интизмиз маҳалладошлар қадрдон гўшасини энг яқин кўмаки, том маънодаги ўз уйи деб билсин.

Ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларига ҳисса қўиш учун худудимиздаги Қурилиш касб-ҳунара коллежидagi сузиш, шахмат-шашка, волейбол, баскетбол, каратэ тўғраракларига бепул қатнашлари учун шариот яратганимиз. Бундай имкониятдан албатта кам таъминланган оила фарзандлари фойдаланадилар. Яна 245-мактабнинг футбол ўйнаш учун мўлжалланган спорт майдонига чим ётқизишга қўллашиб, маҳалламиздаги футбол командасининг ўша ерда ма-

шғулот ўтишларини таъминладик. Ёшлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорликда ўзимизнинг спорт мажмуамизда ҳам ёшлар учун қатор имкониятлар яратишга ҳаракат қилиб келмоқдамиз.

Яна шунинг таъкидлаш жоизки, санокли қўнлардан кейин юртимиз ҳаётда жуда муҳим сиёсий жараён — сайловлар бўлиб ўтади, икки палатали парламентга асос солинади. Маҳалламизда ушбу муҳим санага жиддий тайёргарлик қўрилмоқда. Шу қўнга қатор учрашувлар ўтказилди. Айниқса Қурилиш касб-ҳунара коллежида Марказий сайлов комиссияси раиси Буритов Мустафоев билан бўлиб ўтган учрашув барчада катта таассурот қолдирди. Маҳалла аҳли бўлажақ сайлов ҳақида яхши тушунчага эга бўлди кишилар ўзларини қизиктирган саволларга тўлиқ жавоб олдилар.

Ўйлайманки, эртанги кунимизда дахлдор бўлган ушбу муҳим жараёнда маҳалламиз аҳли ўзи тушуниб, юрт ривожига ҳисса қўишга қодир бўлган депутатга овоз беради.

Шоҳсанам МАҲМУДОВА.

СУРАТЛАРДА: «Оқтепа» маҳалласи ҳаётидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солихов олган сураатлар.



Болалар спортини

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ
САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Эртанинг давомчилари бўлган ёшларнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари, спорт билан мунтазам шугулланишлари учун давлатимиз томонидан ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, бу борада маҳаллаларда олиб борилаётган юмушлар ҳам ибратга молиқдир.

Шайхонтоҳур туманидаги «Янгиобод» маҳалласи фаолияти билан яқиндан танишсангиз юқорида айтилган гапларга беихтиёр ўзингиз ғувоҳ бўлишингиз мумкин. Меҳр ва мурувват йилида ушбу сўлим, обод гўшада хайрли ва савобли юмушлар қаторида болаларнинг соғлом ўсишлари, спорт билан ошно бўлишлари, бўш вақтларини фойдала юмуш билан ўтказишлари йўлида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

— Маҳалламизда 9500 аҳоли бўлса шуларнинг 1640 нафарини ёшлар ташкил этади, — дейди «Янгиобод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Абдор Ашрафов. — Уларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, саломатлик-туман бойлик эканини улар онига етказиш бўйича Ёшлар билан ишлаш комиссиясининг фаолияти эътиборга молиқдир. Худудда

миздаги 34, 84, 13-мактабларда бўлиб ўтадиган барча тадбир, спорт мусобақаларида иштирок этамиз. Мана яқинда 3 та мактаблараро спортнинг югуриш, баскетбол, волейбол, футбол турлари бўйича ўтказилган мусобақада иштирок этдик.

Унда қатнашган маҳаллалар билан ошно бўлишлари, бўш вақтларини фойдала юмуш билан ўтказишлари йўлида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

— Маҳалламизда 9500 аҳоли бўлса шуларнинг 1640 нафарини ёшлар ташкил этади, — дейди «Янгиобод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Абдор Ашрафов. — Уларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, саломатлик-туман бойлик эканини улар онига етказиш бўйича Ёшлар билан ишлаш комиссиясининг фаолияти эътиборга молиқдир. Худудда

миздаги 34, 84, 13-мактабларда бўлиб ўтадиган барча тадбир, спорт мусобақаларида иштирок этамиз. Мана яқинда 3 та мактаблараро спортнинг югуриш, баскетбол, волейбол, футбол турлари бўйича ўтказилган мусобақада иштирок этдик.

Унда қатнашган маҳаллалар билан ошно бўлишлари, бўш вақтларини фойдала юмуш билан ўтказишлари йўлида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Диллора ТОЛИПОВА,
СУРАТЛАРДА: «Янгиобод» маҳалласида мана шундай футбол жамоаси бор.

ОЗ-ОЗ УРГАНИД
ДОМО БУЛВР...

● Биттагина хайрли иш
бир олам илмдан афзал.

Демазангда янги кўмондон назоратга келмоқда экан, деган хабар тарқалди. Тайёргарлик кучайиб кетди. Кўмондон кутиб олинадиган хона,

Амир Омонulloхоннинг Саид Махмудхон Тўрадан ҳайиққанича бор эди.

Буқоидён дини миссионерлари Кобулда ташвиқот ишларини бошлаб юбордилар. Китебларини тарқатишиб, дуч келган жойларда маъруза-лар қилдилар, пулунгиз юзига қарамадилар, зарур бўлганда чиройли хотинлар ёрдамига таян-дилар, қазобларга ҳам ишлари тушди. Мақсад исломни оёқости қилиш, Афғонистон халқини қалғитиш, Амир Омонulloхон ҳукуматини қучси-лантатириш ва юртда нотинчлик, бесаранжомлик келтириб чиқаришдан ўзга эмас эди. Инглиз-ларнинг ундан алами борлигини юқорида айтиб ўтган эдик.

(Давоми келгуси сонда)

Жархловчи минбари

РОЛАНДАС
ПАКСАСНИНГ
ДАЪВОСИ

Литванинг собиқ президенти Роландас Паксас Европа инсон ҳуқуқлари бўйича судига мурожаат этди. У истеъфога мажбуран чиқарилгани боис ўзига етказилган маънавий зарар учун мамлакат ҳукуматидан тоvon ундириб беришни сўраган.

РАТА-ТАСС хабарига қараганда, Р.Паксас Литва ҳукумати раҳбарларини конституциявий судда адолат мезонларини бузганликда айбламोकда. У ўзига етказилган зарарни қоплаш учун 1 миллион евро талаб қилаяпти.

Маълумки, Р.Паксас мамлакат раҳбари давримини эгаллаб турган вақтда сейм (парламент) томонидан молиявий ёрдам эвазига россиялик тadbirkor Юрий Борисовга Литва фуқаролигини олишда қўмаклашганликда, давлат сири ва бошқа махфий маълумотларни ошкор этганликда, хусусий тadbirkorларга тазийқ ўтказганликда айбланган эди. У ўзига қўйилган барча айбловларни бутунлай рад этганди.

Ушбу можаро юзасидан иш қарийб ярим йил давом этди. Жорий йилнинг апрель ойида Литва сейми ҳамда конституциявий суди Р.Паксасни президент сифатида ҳалқ олдидаги қасамди ва конституцияни бузганликда айбдор деб топиб, истеъфого чиқарди.

2003 йил октябрь ойида Литва махсус хизмати президентнинг бир неча маслаҳатчиси жиноий гуруҳлар билан алоқадор эканини аниқлаганди. Парламент аъзолари маслаҳатчиларга қўйилган айбловларни «Р.Паксас иши»га ҳам тиркашга уринди. Жиддий текширувлардан сўнггина айбловларнинг аксарияти асоссиз эканлиги аниқланди.

Яқинда собиқ президентга қўйилган айбловларнинг уч бандидан расман икkitаси олиб ташланди. Бироқ тadbirkor Юрий Борисовга Литва фуқаролигини олишда ёрдам берганлиги тўғрисидаги айблов бекор қилинганча йўқ. Маълумотларга қараганда, Р.Паксас Ю.Борисовга фуқаролиқни президентлик сайловида иккинчи марта ғалаба қозонганидан кейин тақдим этган экан.

Хуллас, Р.Паксас дастлаб Вильнюс шаҳар судига ариза берди. Яқинда суд ишни атрофлича ўрганиб чиқиб, собиқ президентни тўла оқлади ва унинг ҳеч қандай жиноят содир этмаганини тасдиқлади. Энди Р.Паксас ўзига етказилган маънавий зарар учун тоvon ундириш мақсадида Европа судига мурожаат қилди.

Жасур КЕНГБОВЕВ
(ЎЗА)

ТАЪЛИМДА
ТЕЛЕВИЗИОН ДАСТУРЛАР

Пойтахтда республикамиздаги барча коллеж ва лицейларда телевизион дастурлар асосида дарс ўтиш бўйича тайёрланган лойиҳаларнинг тақдими бўлиб ўтди.

Кўп йиллардан буён ривожланган мамлакатларнинг ўқув муассасаларида телевизион дастурлар асосида дарс ўтиш таърибаси кенг қўлланилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Республикада «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ёшларга ҳар томонлама пухта билим бериш, уларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш мақсадида илгор таъжрибалардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Жумладан, тўққиз йилдан буён мамлакатимизда Британия кенгаши ўзининг таълим соҳасидаги ҳамкорлари билан фаолият олиб


бояяпти. Уларнинг асосий мақсади нафақат шаҳардаги, балки ўлкаимизнинг узоқ қишлоқларида яшовчи ёшларга замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия беришни йўлга қўйишдан иборат.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар маркази Британия кенгаши билан ҳамкорликда ўқув муассасаларида телевизион дастурлар асосида дарс ўтиш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳалар илк бор Қўқон, Жиззах, Бухоро ва Самарқанддаги коллеж ва лицейларда муваффақиятли синовдан ўтқа-

зилди. Синовдан ўтказилган телевизион дастурдан фойдаланиб дарс ўтиш бўйича тайёрланган фильмлар лойиҳалари пойтахтимиздаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида муҳокама этилди.

— Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда тайёрлаган ўқитиш дастури лойиҳасининг асосий мақсади, фақат теледастурлар тайёрлаб қолмасдан, ўқитувчиларнинг ўзларини улардан фойдаланишга ўргатишдан иборатдир, — деди Британия кенгаши директори Невилл Макбейн. — Шу боисдан ҳам ташкил этилган семинарда коллеж ва лицейлар ўқитувчиларига тайёрланган телевизион дастурлардан фойдаланиб дарс ўтиш лойиҳасини кенг миқёсда тушунириб бердик. Улар эндиликда жойларга бориб амалий машғулотлар олиб боришади.

Санжар ТОШПҲЛАТОВ,
«Туркистон-пресс»



Болалигим — пошшолигим.

Вирусли гепатит ўткир юқумли касаллик бўлиб, жигар фаолиятининг бузилиши билан кечади. Касаллик соғ одамга гепатит билан касалланган беморлардан юкади. Касалликнинг яширин даври, яъни юқуш хавфи кучли бўлган даври 7 кундан 30 кунгача чўзилади. Бу вақтда бемор касаллик тарқатувчи микробларни кўплаб ахлати ва сийдиғи орқали ташқарига ажратади.

Шифокор оғоҳлантиради

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ
КАСАЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

Беморларнинг идиш-товоклари, уйинчоқлари ва бошқа ишлатган нарсалари билан мулоқотда бўлганда ифлос кўплар орқали касаллик тарқатувчи микроблар соғ одам организмига тушиб касаллик қақиради.

Вирусли гепатитнинг биринчи белгилари қувватсизлик, иштаҳанинг сусайиши, қоринда оғриқ пайдо бўлиши, кўнгил айниб, қайт қилиш, кўз склерасида, терисида сариклик пайдо бўлиши, пешоб ва ахлат рангининг ўзгариши билан кечади. Гепатит касаллиги оиладаги ёш болалар ва қарияларда оғир кечади, бир кишидан иккинчисига юқиш ҳисобига узоқ вақт ичида оила аъзоларининг ҳаммаси касалликка дучор бўлади. Вирусли гепатитнинг А, В, С, Д, Е турлари бўлиб, кўпроқ «А» формаси ифлосланган кўн орқали юкса, «Б» формалари ифлосланган тиббий жиҳозлар орқали муолажа даврида юкади ва гепатитнинг «А» формасига қараганда клиник жиҳатдан оғир кечади ва кўплаб асоратлар қолдиради.

Вирусли гепатитнинг «Б» формаси тиббий муолажадан ташқари тиш даволатишда, сартарошга мурожаат қилганда, тиш чўткаси, сочидан умумий фойдаланганда юқиши аниқланган.

Вирусли гепатитнинг олдини олиш учун вакцина ишлаб чиқилган, эмланганларда касаллик аломати енгил ўтиши ва

асорат қолмаслиги илмий тасдиқланган. Шунинг учун 7 ёшга қадар бўлган болалар давлат томонидан бепул эмланиб, гепатит касаллигини камайитиришга катта ғамхўрлик қилинмоқда.

Касалликнинг олдини олиш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

— овқатланишдан олдин, ҳолатхонадан чиққандан кейин кўлни албатта совунлаб ювинг;

— сабзавот ва меваларни ичимлик сувида ёки қайнаган сувда чайиб енг;

— уйингизни, ҳовли ва кўчаларингизни озода тутинг, ифлосланишига, ахлатлар тўпланишига йўл қўйманг;

— корхона ва яшаш жойларингизда санитария-гигиена қоидаларига амал қилинг;

— болаларингизга саҳич ва писталар берманг.

Вирусли гепатит касаллигининг асосий сабабчиси ифлос кўлдор. Буни доимо ёдингизда сақланг.

Касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлгандаёқ дарҳол шифокорга мурожаат қилинг. Акс ҳолда касалликни уйда ўз билганингизча даволаш кўпгина оғир оқибатларга олиб келишини унутманг.

З.ЭРАТОВА,
Юнусобод туман Давлат санитария эпидемиология назорати маркази эпидемиология бўлими мудири.

Саънат

ТОМОШАБИНЛАРНИ
ХУШНУД ЭТИБ

Бундан 70 йил муқаддам бу театр ўз ижодий фаолиятини бошлаган эди. Тошкент рус драма театри деб номланган мазкур санъат даргоҳи ўша йиллик дастлабки постановка сифатида «Интервенция» номли спектаклини сахнага олиб чиқди.

Йиллар ўтиши билан театр репертуари янги-янги асарлар билан бойиб борди. «Борис Годунов», «Ақллилик балоси», «Момақалдиқор», «Отелло» каби рус ва Европа драматургиясига оид постановкалар томошабинларга тақдим этилди. Ўзбек драматургияси намунаси сифатида «Бой ила хизматчи», «Паражикирлар», «Шохи сўзана», «Мирзо Улугбек», «Номалум киши», «Келинлар кўзголини» сингари асарлар сахна юзини кўрди.

Бундан беш йил олдин бу санъат

даргоҳи Ўзбекистон рус академик драма театри деган ном билан атала бошланди. Мустақиллик йилларида талайгина қизқарли спектакллар қўйилди.

Саҳна усталари жамоаси ўзининг 70 йиллик юбилейини янги ижодий режалар билан кутиб олди. Ҳозирда А.Островскийнинг «Банкрот», П.Бомаршеннинг «Фигароннинг уйланиши» каби асарлари устида иш олиб боришмоқда.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАВАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ХАРИДОРЛАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ
МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ
ЧИҚАРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва 2004 йил 21 октябрдаги 04-7-50 баёнига биноан шу йил 16-19 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги «Халқ истеъмолат моллари регионал ярмаркаси» Навоий кўчаси, 25-уйда «Ўзмева-савдо-тузум-саноат-хоталини», «ЎзМАДпаранда» компаниялари, «Ўздоимасулоат» давлат акционерлик корпорацияси, «Озиқ-овқатсаноат», «Ўғмойтамаксаноат», «Ўзгўштсаноат» уюшмалари хусусий тadbirkorлари томонидан 2005 йилда ишлаб чиқариладиган сут, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, қандолат ва макарон маҳсулотлари, спиртли ва алкогосиз ичимликлар, консервалар, қуруқ ва қайта ишланган мева-сабзавот ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотларга республика ҳудудидо жойлашган барча истеъмолатчилар билан шартномалар тузиш учун улгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилади.



Ушбу ярмаркада барча халқ истеъмолат моллари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари, ташкилотлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, хусусий тadbirkorлар тақлиф этилади.

Ярмаркага марҳамат!

«Ўзбексавдо» акционерлик компанияси

Телефонлар: 139-46-97, 139-48-26,
139-49-00, 139-43-66

Футбол

НИЯТЛАРИНГ
УШАЛСИН,
«ПАХТАКОР»

Жорий йилги футбол мавсуми мухлисларга олам-олам завқ бағишлаганлиги билан бирга «Пахтакор» жамоасининг Осиё чемпионлар лигаси ярим финалида «Селсиес»га Чунма клубига имкониятни бой берганлиги сабаб озгина бўлсада дилини хира қилгани рост гап.

Чунки Осиё футбол конфедерацияси ва УЕФА раҳбарлари келишувига биноан УЕФА Кубоги ҳамда Осиё чемпионлар лигаси ғолиблари келгуси йили ташкиллаштирилган «супер урашув»да ўзаро куч сынашилади. Маълумки, УЕФА Кубогини Испаниянинг машҳур «Валенсия» жамоаси қўлга киритган. Агар пахтакорчилар Осиё чемпионлар лигаси ғолиблигини қўлга киритишганида борми, ўзбек мухлислари «Пахтакор» ва «Валенсия» ўртасидаги ажойиб беллашувнинг гувоҳига айланишарди.

Дарвоқе, келгуси йили клублар ўртасида жaxon чемпионати мусобақасини ташкиллаштириш ҳам режалаштирилмоқда. Агар тошкентликлар Осиё чемпионлар лигаси ғолиби бўлишганида ушбу нуфузли турнирда қитъамиз шарафини ҳимоя қилишарди. Шу боис ҳам йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган «Пахтакор» жамоаси раҳбарияти томонидан келгуси йилга ҳозирлик кўриш режаси аллақачон ишлаб чиқилди. Пахтакорчиларнинг нияти келгуси йилда нафақат мамлакат биринчилиги, балки халқаро турнирларда ҳам ўзининг ажойиб ғалабалари билан мухлислар кўнглини шод этиш. Биз эса севимли жамоамизга фақат омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

(Ўз мухбиримиз)

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма кўмитаси ҳамда кимё факультети жамоаси «Полимерлар кимёси» кафедраси доценти Хайрулла Абдуллаевич Мирзохидовга отаси

Абдулла

МИРЗОХИДОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзили: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, объект
усулида босилади.
2764 нускада босилади. Қўғоғи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Масалан, 12-бўғин жониворга ўз уясини топишга хизмат қилса, 10-бўғин яқинлашиб келаётган душман ҳидини сезади. Яхшигина ривожланган жағтишлари ёрдамида ишчи чумолилар уя қазийди, нарсаларни ташийди, кўкрак қисмидаги 3 жуфт оёқлари тез югуриш имконини беради. Қорин қисмининг орқа томонида заҳар сочувчи бези кучли кислота ишлаб чиқаради ва у душмандан ҳимояланиш вазифасини ўтайди.

Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистонда 8 та кир-чумоли тури учрайди. Булар орасида баъзилари ўзининг зараркундаллиги билан ажралган ҳолда чўпқори иморатларни емириб анча зиён келтиради.

Чумоли оиласида қанотсиз ишчи, аскар ҳамда қанотли ургочи ва эркаклар бўлади. Қанотлилари одам кўзига кам кўринсада апрель ойи ёғингарчилигидан сўнг ер ўзига чиқиб чишга тайёрланади.

Уларнинг кўпайиши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Гап шундаки, ишчи ва аскар чумолиларда кўпайиш аъзолари бўлмайди, демек бундай жараёнда улар иштирок этмайди ҳамда нисбатан қисқа умр кўради. Насл қолдириш асосан қанотли чумолиларга хосдир. Қизғин шундаки, ғумбак ишчи, аскар ҳамда қанотли чумолилар алоҳида уяларда яшайди. Чумоли кўпайишининг яна бир қизиқ томони шундаки, оталанган туҳмудан қанотли ургочи, ишчи ва аскар чумолилар, оталанмаган туҳмудан қанотли эркак чумоли пайдо бўлади.

Ҳисоб-китобларга кўра саваннада яшайдиган жирафа, зебра, сўқоқ ва бо-

шқа туёкли жониворларнинг тирик вази-ни ҳар гектар ерга тақсимланганда 15 килограммдан ошмас экан. Уша жониворлар билан ёнма-ён яшаётган кир чумолиларнинг вази эса ҳаддан ташқари юқори бўлиб, бир гектарга 400-800 ки-

Табият ажойиботлари

ТИНИМ БИЛМАС
ЧУМОЛИЛАР

Ҳозирги вақтда 15 мингдан ошмироқ чумоли турлари фанга маълум бўлиб улар ташқи кўриниши, катта-кичиклиги ва ранги билан ўзаро фарқ қилади. Чумоли танаси бош, кўкрак ва қорин қисмларга бўлинади. Бош қисмида 12-13 бўғинли мўйлови бўлиб, унинг ҳар бири маълум вазифани бажаради.

лограмми ташкил этади.

Кир чумолилар масофа бўйлаб ахборот узатиш бўйича ўзига хос сим қоқиш хусусиятига эга. Ана шу усулдан фойдаланиб чумолилар ўз қариндошларига ақиллашиб келаётган хавф-хатар ҳақида узоқ масофадан туриб хабар қиладилар. Яъни ер ости йўлакларига деворига бошларини уриб хатар ҳақида оғохлантирувчи сигнал узатадилар.

Жанубий Америкада яшайдиган чумолилар худди асалариларга ўхшаш асал тўплаш хусусиятига эга. Фақат улар ўз асални қоринчасида сақлайди, бошқа чумолиларга овқат етишмай қолгандагина захирадаги асални ишлатар экан.

Калаҳара қўлида яшайдиган Африка бушменлари оч қолган чоғларида чумоли инларини излашга отланадилар. Одатда улар ёмғир ёғиб ўтгандан сўнг

овга чиқади. Гап шундаки, кучли жала ёмғирдан чумолилар тўплаб қўйган озуқалар — ўсимлик уруғлари намикиб қолади, шунинг учун эрта тонгда қўёш нури таралиши билан чумолилар озуқаларини шомоллатиш мақсадида ташқарига олиб чиқади. Шундай пайтда очикқан бушменлар ўсимлик уруғларини йиғиб оладилар ва ўғирда янчиб унга айлантирадилар.

Кир чумолиларнинг сирли хусусиятларидан бири — улар ўзига хос уй қурадилар. Яъни уларнинг инлари қуш қаноти шаклида бўлиб, юзаси шарқ ва ғарб томонга қараган бўлади, бу эса яшаш учун курашнинг яққол намунаси. Яъни ана шундай шаклга эга бўлган чумоли ини айланиб пайтда кам-роқ микдорда қўёш нурини ўзида йиғайди, шундай қилиб қўёшли кунни узайтиради, бу эса чумоли ғумбаклари учун айланиб туради.

Чумоли, фил каби ҳашарот ва жониворлар одамларга қараганда уларнинг ўлчамига нисбатан анчагина катта вазидаги нарсаларни кўтариш қобилиятига эга. Энг машҳур штанга кўтарувчи полвонлар ҳам ўзининг соф оғирлигига нисбатан 2-3 марта оғир юкни кўтаришлари мумкин. Олдий чумоли эса ўзининг вазида нисбатан 10-15 марта кўп юкни кўтариша олади. Бунинг сабаби чумоли мускулларининг кучига боғлиқ бўлмасдан, балки чумоли ўлчами билан унинг мускуллари орасидаги ўзига хос нисбатга боғлиқдир.

Яҳё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори

«01»

ГАЗДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

Бепарволик катта кўнгилсизликларга олиб келишини ҳар биримиз ҳам тушунавермаймиз. Ваҳоланки, баъзан оддий қондага риоя қилмаслик — бу тинчлик-осойишталик, кут-барақа, энг қадри ва муқаддас оила, ширин фарзанд ва ақин инсонлардан жудо бўлиш, бир умрга ногирон одамга айланиб қолиш деганидир.

Сир эмас, кунлар совуши билан барчамиз хоналарни иситиш мақсадида газ ва электр асбобларидан фойдаланамиз. Лекин қай тарзда? Орамизда носоз ёки қўлбола электр ва газ мосламаларини ишлатган ҳолда хонадонни қўлга айлантириб, ўзлари ҳам ҳаётдан кўз юмган инсонлар бор. Биргина Тошкент шаҳрида жорий йилда газ ва электр ускуналарини ишлатишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаган 93 та хонадонда ёнгин содир бўлган ва тўрт киши жиддий тан жароҳати олган. Ўтган 2003 йили биргина газдан нотўғри фойдаланиш оқибатида 8 нафар инсон бевақт ҳаётдан кўз юмган. Масалан, С.Раҳимов туманида истикомат қилган 1956 йилда туғилган Н.Уҳина овқат қилиш учун қозонга ёғ солган. Бевақт жиринглаган телефон беканинг бутун хаёлини ўғирлаб, қизиб кетган ёғ ҳам эсидан чиқиб кетган. Натижада ёғ аланга олиб, ошхона жиҳозларининг ёниб кетишига олиб келган. Ўз кучига ишонган Наталья, жиловсиз оташни ўзи ўчиришга бел боғлаган. Ва жиддий тан жароҳати олиб, қўйганлар марказида ёруғ оламини тарқ этган. Худди шунга ўхшаш нохуш ҳодиса Миробод туманида ҳам содир бўлган. Овқат газда қолиб кетиши оқибатида, 3-гурӯх ногирони В.Федечкиннинг ошхонасида ёнгин келиб чиқган. Алангаланиб кетган оловни ўзи ўчиришга киришган Владимир 60 фоиз қўйиш тан жароҳати билан қўйганлар марказига ўт ўчирувчилар томонидан юборилди. Афсуски, у ўзига келмаган ҳолда вафот этди.

Шуниси ачинарлики, фуқароларимиз хавфсизлик қоидаларини билсаларда, унга лоқайдлик билан қарамоқдалар. Газ ҳидини сезганда гугурт қақиш мумкин эмаслигини билса-да шу ишни қилган, газ қувурларини ўзбошимчалик билан газ плиталарига резина ичаклар ёрдамида, қонунга зид равишда улаб, хонадонни талафотларга

олиб келаётган инсонлар ҳам топилади. Бу ўзбошимчаликлар эса ўзларининг моддий зарар кўришларига ва жиддий тан жароҳати олишларига сабаб бўлмоқда. Бундай асаббузарлик ва талафотлар бўлмаслиги, уйингизда офат балоси чиқмаслиги учун газдан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишингизни сўрар эдик.

Ёнгинга қарши кураш жамияти кузги-қишқи мавсумга тайёрланишда, яъни иситиш печларини ўрнатиш, мўрконларни тозалаш, печларни таъмирлаш бўйича ишлар олиб борадилар. Мурожаат учун телефонлар: 65-98-55, 66-35-50.

Шу ўринда эслатиб қўймоқчимиз: Иситиш печларини ёқидан олдин чанг ва испардан тозалаш мўрконларни ташқи тарафидан суваш ҳамда оқлашни унутманг. Мўрконнинг атрофида хашак, ўтин ва шунга ўхшаш ҳар хил тез ёнғучи уй-рўзгор буюмларини сақлаш тақиқланади.

Иситиш печларидан сурункали ва тинимсиз фойдаланиш, уларни ёқилган ҳолда қаровсиз қолдириб кетиш қатъий ман этилади.

Ёқилган иситиш печлари устида, атрофида ҳар хил ёнғучи кийимларни қуритиш, ўчиб қолган оловни ўт олдиришга бензин, керосин, ацетон ва шунга ўхшаш ёнғучи суюқлик ишлатиш ҳамда ёниб турган иситиш печларини тузатиш тақиқланади.

Ёш болаларнинг газ плитаси ва электр иситгичлар атрофида ўйнашларига йўл қўйманг ва уларни ёлғиз, назоратсиз қолдирманг.

Муслима РАХИМОВА,
Тошкент шаҳар Ички ишлар
бош бошқармаси
Ёнгин хавфсизлиги
бошқармаси
инспектори, лейтенант

Қаҳқара

Уран сайёрасини топган машҳур инглиз астрономи Гершель яхшигина оптик ҳамда зўр математик эди. У 1802 йили Францияга ташриф буюрганида Наполеоннинг қабулида бўлди.

— Эртанга нима иш билан шуғулланмоқчисиз? — сўради император.

— Орган концерти бераман, — деди астроном. Чунки Гершель жуда ажойиб музикачи ҳам эди.

Машҳур физик олими Альберт Эйнштейн бир кунги вагон-ресторанда буюртма бермоқчи бўлди-ю, кўзойнагини қўлида қолдиргани туфайли таомлар рўйхатини ўқиб юборишни официантдан илтимос қилди. Кекса официант «Нисбийлик назария»си муаллифининг «хат-саводсиз» эканлигидан ачиниш, қулোগа секин шивирлади:

— Хурматли жаноб, афсуски, мен ҳам ўзингизга ўхшаган саводсизман!



Сўзсиз сурат.

Абдурашул Ҳақимов чизган расм.

Нашриятга берилган маълумотлар бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиб ва сақланади.

«Шарқ» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси бошқаровиса. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.